

Самарқанд халқаро аэропортининг реконструкцияси бошланди



6 сентябрь куни Самарқанд халқаро аэропортининг тураргоҳи ҳамда учиш-қўниш йўлагини реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилди.



Мазкур реконструкция ишлари Автомобиль йўллари қўмитаси тизимидаги корхоналар томонидан амалга оширилмоқда. Кенг қўламдаги бу ишларга 150 дан ортиқ транспорт ва техника воситалари жалб этилган.



Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти жорий йил 26 июль куни Самарқанд шаҳрига ташрифи чоғида Самарқанд халқаро аэропортини ривожлантиришга оид реконструкция лойиҳаси билан танишган, бу ерда яна бир терминал қуриш, учиш-қўниш йўлагини реконструкция қилиш, самолётлар тураргоҳини кенгайтириш, радиолокация тизимларини такомиллаштириш бўйича [қўрсатмалар берган эди.](#)

Автомобиль йўллари қўмитаси

матбуот хизмати